

Носиржон ЮСУПОВ



НАВОЗАИДА

Носиржон ЮСУПОВ

НАВОЗАНДА


Лавҳалар ва дил изҳорлари



«ФАРҶОНА» нашриёти,
2009 йил

Н. Юсупов

НАВОЗАНДА//лавҳалар ва дил изҳорлари.
«ФАРҶОНА» нашриёти, 2009 йил. –64 б.



© «ФАРҶОНА» нашриёти – 2009 й.

ЎЗ СОЗИ ВА МАҚОМИ БОР

Кимгаки ҳаётда илм ва касб-хунар эгаллаш борасида чинакам устоз, жонкуяр мураббий насиб этса, бу унинг жуда катта бахтидир. Одамлар уста санъаткорларнинг тайёр кўшиқ ва куйларни эшитадилар, танбур, дутор, рубоб, най, ғижжак ва доира каби чолғу асбобларидан таралаётган оҳанграбо ва сеҳрли куйларни тинглайдилар. Гўё бу инсонга оддий ва одатдаги ҳолатдек туюлади. Аслида эса ёқимли куй ва кўшиқ яратиш жуда кўп вақт, меҳнат талаб қилади.

Созларни чалиш учун туғма қобилият ва маҳорат зарур. Инсон ўзида мавжуд бўлган ана шу қобилиятни ривожлантириши ва юксак маҳоратга айлантириши учун эса албатта, мураббий, устоз даркор. Устозлар тарбияси шогирдларни камолот чўққисига етаклаши табиий.

Эл севган созанда ва бастакор Толибжон Дадабоевга юқорида таъкидланганидек, ҳаётда маслаҳатгўй, дардкаш, йўлчи юлдуз устозлар марҳаматидан баҳраманд бўлиш, ижодий суҳбатларини, олтинга тенг ўғитлари ва сабоқларини эшитиш насиб этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, созанда Бурҳонжон Юсупов, чанг чалиш санъати билан элга машҳур бўлган созанда Жамолхон Ҳасанов, Толмас Ғаффоров, Ўзбекистон халқ артистлари Таваккал Қодиров, Ғуломжон Ҳожикулов, тожикистонлик эл севган хофиз Маъруфхўжа Баҳодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Исомиддинов, Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Хусанжон Шарипов, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Зиёвиддин Мансур, Абдугани Абдувалиев, эл севган шоира Турсуной Содикова, Зулфия мукофоти лауреати, шоира Гулжамол Асқарова ва бошқалар шулар жумласидандир. Сўнгги йилларда Толибжон Дадабоев

Ўзбекистон халқ артисти. “Буюк хизматлари учун” ордени ва “Олтин ноҳун” мукофоти соҳиби, профессор Турғун Алиматов билан жуда кўп марта мулоқотда бўлиб, унинг сабоқлари, ўғитлари, соз чалиш сирлари ва ижро услубларидан баҳраманд бўлди.

Умр бўйи тингловчилар қалбини сеҳрлаган, муқаддас касбида юксак чўққиларни эгаллаган устоз созанда Турғун Алиматов билан илк бора учрашувимдаги бир ҳолат ҳамон эсим-да, – дея хикоя қилади Толибжон биз билан суҳбатда. Қўлимга ўз дуторларини бериб, сиздан ҳам бир куй эшитайлик-чи, дедилар. Устознинг табаррук дуторларини қўлга олар эканман, мени чуқур ҳаяжон босди. Қўлларимда ногаҳон пайдо бўлган ажабтовур титроқни аста босар эканман:

– Устоз, енгилроқ “Гилос” куйини чалиб бера қолай, – дедим.

– Майли, – дедилар устоз.

Англадим-ки, дутор сози “Квинта” эди. “Гилос” куйини эса “Кварта” созида ижро қилинади. Дутор созини “Кварта”га айлантирдим. Ҳаракатларимни зимдан кузатиб турган устоз, куй тугагач: – Эй, қулоқларингиз ҳам ўрганиб кетган экан-да! Гап бундоғ бўпти-да! – дедилар. Сўнгра қўл очиб дуо қилдилар. Шундан кейин:

– Мен ҳам сизга “Тановар”нинг бир турини чалиб берай, – дедилар ва сеҳрли бармоқлари билан дутор торларини чертиб, “Тановар”ни шундай маҳорат билан ижро қилдилар-ки, устознинг айни чоғдаги садоларини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Зеро куй сеҳри ижро этиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Ҳамкасблар орасида дуторчилар жуда ҳам кўп. Аммо дуторчидан, дуторчининг фарқи бор, деган фикр бир зум ҳаёлимдан ўтди.

Ана шу учрашувда “Наманганда ҳам бир шогирдим борда, деб ҳисоблайверинг” деганимда, устознинг “Ўша сизда!” деган иборалари қалбимда бир умр муҳрланиб қолди.

Муסיқий туйғу, созга муҳаббат аслида устоз Толибжоннинг қонида бор. У 1950 йилнинг 21 июнида Наманган шаҳрининг Ёқубхожи маҳалласида навозанда Муҳаммаджон Дадабоев хонадониди таваллуд топди. Муҳаммаджон ака ўз даврининг забардаст машшоқи бўлиб, уйда дутор, рубоб, ғижжакда куйлар чалиб машқ қилганда кичкина Толибжон берилиб тингларди. Онаси Каримахон ая Ҳамидова илмли ва маънавиятли аёл бўлиб, етти фарзандни оқил ва доно, билимли ва меҳнаткаш қилиб тарбиялади. Натижада, Толибжоннинг акаси Махмуджон Дадабоев муסיқа илми бўйича олим, шоир ва Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси даражасига эришди. Ота ибрати, она орзуси, ака намунаси, устозларнинг беминнат хизматлари ёш Толибжонни доимо баркамоликка ва комиллик сари етаклади.

Ўтган асрнинг 63 йилларида Наманган шаҳридаги Абдуллар Қахҳор номли ўрта мактабнинг 5-синфида таҳсил олиб юрган кезларида ёш Толибжонда муסיқага ҳавас ниҳоятда ортиб кетди. Натижада у навозанда ва устоз Бойдедахон Олимов раҳбарлигида ташкил этилган муסיқа тўғарагига фаол қатнаша бошлади. Толибжоннинг хотиралашича, меҳрибон, ширинзабон ва дилкаш, меҳнатсевар устоз Бойдедахон Олимов ёши жиҳатидан 60-70 баҳорни қаршилаган бўлиб Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг қайнотаси, барча чолғу асбобларини чала оладиган, муסיқа соҳасида чуқур назарий билимга эга бўлган машҳур истеъдод эгаси эди. Толибжон устоздан ғижжакда “Қари наво” куйини чалишни жуда тез ўрганиб олди. Шогирдидаги беҳато ижрони тинглаб кўрган устоз Бойдедахон ака ҳайратланди, ота-онасини суриштиришди ва “Сен келажакда албатта, етук созанда ва хонанда бўлиб

етишасан”, деди. Устознинг бу фикри Толибжондаги мусиқа ва соз чалишга кизиқишни янада ошириб юборди. У мактабда ўтказилган турли кечалар ва байрам тадбирларида гоҳ доира, гоҳ ғижжак, гоҳ рубоб чалиб фаол иштирок этди.

Толибжон Дадабоев ўрта мактабни тугатгач, отаси маслаҳати билан 1968 йилда Наманган маданий-оқартув техникумининг клуб ходимлари тайёрлайдиган бўлимига мусиқа йўналиши бўйича ўқишга кирди. Ўзининг назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлади. Элга танилган ва шогирдлари қалбидан чуқур ўрин олган устоз Эргашали Эгамбердиевдан чанг чалиш сирларини қунт билан ўрганди.

Мусиқа ва соз чалиш сирларини пухта ўрганишни тўғаракка қатнашдан бошлаган Толибжон Дадабоев ўзининг кейинги санъат соҳасидаги фаолиятини мактаб ёшидаги ўқувчилар, ўсмирлар ва ўспиринларга рубоб, доира, ғижжак созлари бўйича тўғараклар ташкил этиб, мусиқага муҳаббат уйғотиш, яқка тартибда машғулот олиб боришга бағишлади.

Маданий-оқартув таҳникумини муваффақияли тугатган Толибжон Дадабоев 1970-72 йилларда Наманган шаҳар маданият бўлимига қарашли 8-сонли клубда мусиқа раҳбари лавозимида, Гоголь номли маданият уйи қошида ташкил этилган “Қалдирғоч” номли ашула ва ракс ансамблида чангчи вазифасида ишлаган чоғларида ҳам йигит-қизларга соз чалиш ва кўшиқ айтиш сирларини ўргатиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Шу билан бирга мусиқа сирларини ўрганишда давом этди, янада маҳоратини мустаҳкамлади. Айниқса, ўша даврда маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлаётган Камолитдин Раҳимовдан тор чалишни, доира зарбларини, кўшиқ айтиш, шунингдек, одамийликни, ростўйликни, бағрикенгликни, ҳалолликни ва санъаткор қандай хислатларга эга бўлиши зарурлигини ўрганди.

Устоз Камолиддин аканинг ўша даврда айтган бир фикрлари ҳамон эсимда, — дейди, биз билан суҳбатда Толибжон Дадабоев. Тўғри, биринчидан ҳамма ҳам ашулачи бўлавермайди. Бунинг учун ашула айта билиш қобилияти зарур. Иккинчидан, ҳамма ҳам куй басталаб, шеърни қўшиқ қилолмайди. Бунинг учун алоҳида истеъдод, мақсад керак. Учинчидан, ҳар бир қўшиқчи ҳам тингловчини тўлқинлантира олмайди. Бунинг учун ширали овоз ва ўзига хос ашула айтиш услуби ҳам зурур.

Изланувчан созанда Толибжон Дадабоев 1970-80 йиллар оралиғида Наманганда ўтказилган тўй-томошаларда эл-юрт назарига тушди. Бу соҳада у замондош ҳамкасблари Каримжон Мусаев, Тожиали Алимов, ака-ука Файзулло ва Мелибой Нарузаллаевларни ҳам ўзига устоз деб билади.

Толибжон Дадабоев 1973 йилдан бошлаб ўзининг педагогик фаолиятини бошлади. Ўзбекистон халқ маъорифи аълочиси, олий тоифали ўқитувчи устоз Хусанбой ака Боймирзаев таклифи билан Наманган шаҳар мактабгача тарбия-билим юрти (ҳозирда педагогик коллеж)га мусиқий таълим ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилинди. Меҳрибон олима ва устоз, билим юрти директори Ҳосият ая Аҳмедованинг санъат шинавандаси эканлиги туфайли “Дуторчи қизлар” ансамбли тузилиб, бир неча бор вилоят ва Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Кейинги йилларда янада чуқур билим олишга интилиши, бадий-ҳаваскорлик тўғарақлари фаолиятини янада ривожлантириш, янада кўпроқ созанда ва хонанда шогирдлар чиқариш устоз Толибжон Дадабоевнинг доимий мақсадига айланди. У 1974-77 йилларда Наманган Давлат мусиқа билим юртида, 1981-86 йилларда Наманган Давлат педагогика институти, педагогика факультетида таҳсил олди. Институт ректори, Беруний мукофоти лауреати Муфат Маматович

Маматов, маънавият бўйича проректор, доцент Аҳмаджон Шарипов ва профессор-ўқитувчилар жамоасининг санъат ва бадий ҳаваскорликни ривожлантиришга кўшган салмоқли ҳиссалари туфайли нафақат вилоят Олий ўқув юртлари ўртасида, балки талаба-ёшларнинг Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларида ҳам бир неча марта фахрли биринчи ўринни эгаллашга сазовор бўлинган. Бугунги кунда Наманган Давлат университети мусиқий таълим кафедрасида самарали фаолият кўрсатаётган, эл-юрт эътиборига тушган созанда ва бастакор, устоз Толибжон Дадабоев талаба-ёшларга янгидан-янги куй ва кўшиқлар ўргатиш ниятида туну-кун тинмай меҳнат қилмоқда. У яратган куй ва кўшиқлар вилоят ҳамда Республика телерадиокомпанияси олтин фондидан муносиб ўрин олиб, вақти-вақти билан санъат шинавандалари дилларини хушнуд этмоқда.

Сеҳрли оҳанглар соҳиби Толибжон Дадабоев кўлида барча миллий созлар булбулдай нола қилиб сайрайди. Айниқса, дуторда “Гилос”, “Янги тановар”, “Дилхирож”, “Роҳат”, “Назокат”, “Кўқонча”, танбурда “Насри сегоҳ”, “Муножот”, “Савти нажот” каби куйларни маҳорат билан ижро этганда шинавандалар беихтиёр мусиқа сеҳрига маҳлиё бўлиб қоладилар.

Фикримизнинг исботи учун, мўъжизавий ҳолатлардан бирини эслатиб ўтишни лозим деб топдик. Наманган вилоят телерадиокомпанияси ва вилоят А.Навоий номли театр жамоаси ҳамкорликда “Тасанно” номли ёш ҳофизлар беллашувларини ўтказиб туришни энг яхши анъанага айлантирдилар, мухлислар сони ортди. Ана шундай беллашувларнинг бирида зал тўла тамошабин. Саҳнада ёш истеъдодли хонанда Хусанжон Раҳимов “Жаҳонда яхшилар бор-ки...” кўшиғини маҳорат билан ижро этмоқда. Кўшиқ ўртасидаги паузада дуторга қисқача навбат берилди. Созанда Толибжон Дадабоевнинг юксак маҳорат билан кўшиққа жўр бўлиб,

кўшиқ мазмунини жилвакор нола билан бойитганлиги шинавандаларни тўлқинлантириб юборди.

Ҳаётда эзгу-мақсад сари интилган, ўз касб-хунарини улуғлаб, фаолиятини хайрли ишларга бағишлаган кишига толе ёр, дейди азиз халқимиз. Навозанда Толибжон Дадабоев она юртимизда адабиёт ва санъат, мусиқа ва кўшиқчиликни ривожлантириш соҳасида баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганлигидан, кўзлаган мақсадларига босқичма-босқич эришаётганлигидан, ота касбини улуғлаётган, айни чоғда ўзи ҳам устоз даражасига етиб, кўплаб шогирдлар етиштирганлигидан кўнгли тўк. Дарҳақиқат, унинг олижаноб фазилатларидан баҳраманд бўлган, миллий соз турларини маҳорат билан ижро эта билишни ўзларида мужассамлаштирган жуда кўплаб шогирдлари мустақиллик йилларида янада ёшариб бораётган шахарлар, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да ўзгача чирой очиб бораётган қишлоқларда қад кўтараётган замонавий педагогик, санъат ва маданият коллежлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларида сўзқидилдан меҳнат қилаётганликларига ишончимиз комил.



СОЗАНДАЛИК СЕҲРИ

Одатдагидек, бир куни раҳматли дадажоним ғижжакда “Насруллои” куйини узоқ чалдилар. Қадимий ғижжакдан янграётган бу куйни тинглар эканман, ундан таралаётган ноаларга маҳлиё бўлиб, болаларга хос соддалик билан:

– Дада, ушбу ғижжакни қаердан сотиб олгансиз, – дедим.

– Ҳе, ўғлим, бунинг тарихи узун, – дедилар чуқур ўйга толиб. Биласанми, Толибжон 1925-30 йилларда шахримиздаги ҳар бир гузарда чойхона бўларди. Чойхоналар кўплигиданми ёки чойхоначилар ўз шинавандаларини кўп бўлиш-лигини ўйлабми, Хитой ва Ҳиндистондан келтирилган хушбўй чойларни дамлаб ким ўзарга хизмат қиладиларди. Бундан ташқари, чойхонанинг тўри баландроқ бўлиб, юқори қисмига алоҳида чиройли кўрпачалар ёзилиб, болишлар кўйилар, ўрта йўлак, чекка томонда эса шинаванда чойхўрлар дам олиб ўтирадиган алоҳида жойлар бўларди. Чойхона мутасаддиларининг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, бир ой ёки икки ой муддатга чолғучи созандаларни олиб келиб, уларни юқorigа ўтказиб, алоҳида эҳтиром кўрсатардилар. Натижада ҳар куни кечки пайт – чойхона, ишдан қайтган одамлар билан янада гавжумлашиб, файзли жойга айланарди. Шундан сўнг чиройли суҳбатлар бошланиб, қизиқ-қизиқ аскиялар, ҳангомалар чойхонага яна ҳам ўзгача файз киритарди.

Созандалар гуруҳида чангчи, ғижжакчи, танбурчи, дуторчи, қўшнайнайчи, найчи, доирачилар бўлиб, навбат уларга келганда, чолғу асбобларини созлашиб, рост, бузрук, наво мақомларидан куй ижро этишарди. Бундай дақиқаларда чойхонанинг ичида худди сув сепгандай жимлик ҳукм сураб, аста-секин куй сайқалланиб боргач, авжига чиқа бошланган сари, пастда ўтирган шинавандалар орасидан

худди қумғон қайнагандай, сув варақлагандай, пиқир-пиқир йиғи овозлари ҳам қулоққа чалинади.

Сеҳрли мусиқага ишқ-муҳаббатми ёки моҳир созанда Шарифжон ҳожи буванинг ғижжагидан чиқаётган садоларга қизиқибми, мен сурилиб-сурилиб, секин-аста уларга яқинроқ жойга ўлтириб қолганимни сезмай ҳам қолардим. Шарифжон ҳожи бува ғижжақда сеҳрли куйлар ижро этиш билан биргаликда, ўзлари ҳам бошларида оппоқ салла, оппоқ соқолли, озода кийинган, мулойимлик билан гапирардиган, ниҳоятда чиройли хулқли киши эдилар.

Ғижжақлари ҳам Ҳиндистонда ўсадиган жавз ёнғоқни косасидан тайёрланган бўлиб, унинг учинчи, тўртинчи торлари иккитадан жуфт тор қилиб тортилган эди, яъни квинта созидаги ля-ми торлари каби. Ғижжақ шундай гапирар эдики, ансамблга, дардли оҳанглари билан жон киргизаётгандай туюларди.

– Шундай қилиб, ўғлим, ғижжақда куй чалишга ишқим тушиб қолди. Уйга ҳам кетмай созандаларга чой ташиб, бошқа барча юмушларини бажариб, улар тунги уйқуга ётган вақтларида, секин-аста Шарифжон ҳожи буванинг ғижжақларини бир бурчакка ўтириб олиб, ўзимча чала бошлар эдим. Ғижжақдаги мазмунсиз “куйларим” билан чарчаб, дам олиб, ухлаб ётган созандаларга, тунда ҳалақит бераётганлигимни, улар оромини бузаётганлигимни ўзим ҳам сезмас, ҳис этмасдим. Берилиб, тинимсиз машқ қилардим.

Бир куни Шарифжон ҳожи бува шундай дедилар:

– Муҳаммаджон ўғлим, сизнинг ғижжақда машқ қилаётганингиз, ухлаётган созандаларга бир оз малол келаяпти шекилли. Мен уйга борганимда сизга ўрганиш учун ғижжақ олиб бераман. Бемалол кундузлари уйингизда машқ қилаверасиз. Бу ерда машқ қилишингиз менинг ўзимга, илло малол келмайди.

Эртаси куни Шарифжон хожи бува ваъда қилганларидай битта ихчам, жуда чиройли ғижжак олиб келиб бердилар. Шундан кейин, кечкурун эшитган куйларимни, кундузи уйда чалар эдим. Бироқ, мен чойхонага боришни қанда қилмасдим.

Созандалар ҳар куни тўрт, бешта ёки олтита куй ижро этишгач, созларини ёнларига тик ҳолатда қўяр, бир озгина ҳордиқ чиқариб, чой ичишарди. Устозим ҳам ғижжакни ёнларига, бурчакка аста тиклаб қўярдилар. Гарчи у киши менга ғижжак олиб келиб берган бўлсалар-да, менинг бутун диққат эътиборим, кўзим бурчакка тиклаб қўйилган сеҳрли ғижжакда бўлар эди. Бу ҳолатни зимдан кузатиб юрган, Шарифжон хожи бува баъзан-баъзан мендан сўраб қолардилар:

– Муҳаммаджон! Ғижжагимга қараб қўйинг, ўрнида турибди-ми?

– Ҳа, устоз! Ғижжагингиз ёнингизда турибди, – дер эдим ажабланиб. Бундай савол-жавоб ҳар куни такрорланар эди.

– Муҳаммаджон! Ғижжакка қараб қўйинг, ўрнида чиройли турибди-ми?

– Ҳа, хожи бува, ўрнида турибди.

– Ҳа, яхши, – дер эдилар.

Мен ёшлиқ қилибми, кунлардан бир кун юқоридаги савол-жавоблар такрорланавергач, бунинг сабабини устоздан сўрадим:

– Хожи бува, ғижжагингиз ҳар куни дам олган вақтингизда ёнингизда осойишта турибди, мендан ҳадеб, ҳар куни сўрайверишингизнинг сабаби нима-да?

– Эй, Муҳаммаджон! Нега сиздан сўрайверишимнинг сабаби бор. Бу ғижжак жуда ҳам, табарруқ ғижжак. Мен шу ғижжак туфайли муқаддас ҳаж сафарига бир тийин сарфламай бориб келганман.

– Қандай қилиб, хожи бува, – яна қизиқиб сўрадим.

– Ўғлим, қадимдан ҳаж сафарига борувчилар тўда-тўда бўлиб тўпланишар экан. Уларнинг сони ками билан элликта, кўпи билан юз кишидан иборат бўлиб, сафарга йиғилганларни қофила деб аталади. Унга қофила бошлиғи сайланади. У илм-маърифатли, доно киши бўлиши керак эди, албатта. Бобораҳим Машраб буваамизнинг “Кўргали келдим” номли ғазалларида куйидаги мисралар келади:

*Қофила кетди, манзилга етди,
Мен ҳам тараддуд кўрголи келдим.*

Ана шундай қофила бошлиқларидан бири мени ҳам сарф-ҳаражатларингизни ўзимиз кўтарамиз, деб ҳаж сафарига бирга боришни таклиф қилган. Мен эса улар билан бирга, шу гижжагимни қўлга олиб йўлга тушдим.

– Созанда қофила учун нимага керак, – мен соддалик билан сўрадим.

– Эй, Муҳаммаджон! Бу ёғини эшитинг. Қофила аста-секин жамланиб, от, туялардан иборат карвон бўлишиб сафарга чиқишар, ҳаж сафарига бориб келгунча 6-7 ой йўл босардилар. Шундай қийинчиликлар билан йўлларда, чўлларда, карвон саройларда тўхтаб, тунашиб, эрта тонгда яна йўлга отланишарди. Дам олиш пайтларида ўзлари билан бирга олиб юрган созандалар хизматда бўлиб, сеҳрли мақом куйларидан бир нечасини ижро этиб беришар, ҳаж сафарига отланганлар ёки ҳожи бўлиб қайтаётганлар эса кўнгиллариини ёзишиб, йиғлашиб, руҳий-маънавий озуқа олишиб, яна манзил сари илгарилашар экан. Бундай пайтларда, ҳожилар ҳурсанд бўлганликларидан, созандани ниҳоятда иззат-ҳурматини жойига қўйиб, дуо қилишарди.

Шарифжон ҳожи бува юқоридаги воқеани кўз ёшлари ила ҳикоя қилиб, куйидагича насихат қилган эдилар:

Муҳаммаджон, ўғлим, энди тушундингизми. Мен ўз ғижжагимни сиздан нега сўрайвераман! Ўғлим санъат шундай яхши ҳунар, айниқса, созандалик ва ҳофизлик. Бу ҳунарни эгаллайман деган киши покиза, озода кийинадиган, ҳалол, ростғўй, ширинзабон бўлиши лозим. Бироқ бундай сифатлар созанда ва ҳофизда бўлмаса, у эл орасида обрў-эътибор топа олмайди.

Дадажоним, Шарифжон ҳожи бува ва у кишининг ғижжақлари ҳақидаги ўтмиш хотираларини сўзлаб бўлгач, ўз ғижжақларини устозлари деворга қандай суяб қўйган бўлсалар, ҳудди шундай ўрнатиб қўйдилар, назаримда. Шундан сўнг, устоз руҳларига дуои-фотиҳа қилдилар.

СОЗАНДАЧИЛИК ҲУНАРИ

Толибжон Дадабоев ҳикоясини шундай давом эттиради:

– Донишмандларнинг ҳар бир инсон ҳаётида асқотадиган шундай ҳикмати бор: “Ҳунар ва санъат шундай нарсаки, у кераксиз бўлиб қолмайди, ишлатмасанг йўқолиб ҳам кетмайди, керак пайтда сенга кўмакчи бўлади. Эркак кишига қирқ ҳунар ҳам оз”. Ушбу дурдона ҳикматни ота-онам ва устозлардан кўп марта эшитганман. Ҳар сафар бирор ҳунарни устозлардан мукамал эгаллаб, қўлимдан мустақил бир иш келадиган бўлиб қолганда, Аллоҳ менга берган ақл, заковатга, она-онам, устозлар ва яхши инсонларнинг беминнат марҳаматларига минг бора шукурлар қилганман.

1970 йилнинг ёз ойларидан бирида Наманган шаҳар маданият уйининг бадий раҳбар хонасига кирсам, устоз Камолиддин ака Раҳимовнинг қўлларида косасига янги парда тортилган тор турибди. Бундай менга қараб:

– Кел, Толибжон, – дедилар.

– Ассалому алайкум, ҳорманг, – дедим.

– Ва алайкум ассалом, саломат бўлинг, – дедилар ва чиройли кўзларининг қири билан мени ўлтиришимга имо қилдилар. Устоз кўрсатган жойга аста ўтирдим. Камолиддин ака бажараётган юмушни кузата бошладим. У киши шундай бир маҳорат билан тор симларини тортаяптиларки, кўрсаткич бармоқлари учида, сим орасидан бармоқларини чаққонлик билан айлантириб, чиройли илғич ҳалқачаларини ҳосил қиляптилар-ки, хайратланмай иложингиз йўқ. Билишимча, торнинг коса пардасини ҳам, қатор жилкаларини ҳам, ўзлари боғлаб, соз пардалари ҳосил қилган эканлар. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Камолиддин ака ўз кўли, билими ва маҳорати ила чаққонлик ва қунг, сабр-чидам билан таъмирланган тор худди булбул каби сайрай бошлади.

– Ана шунақа, биродари азиз, – дедилар Камолиддин ака, – ҳар бир созанда ёки хонанда ўз чолғу асбобини созлай олиш билан биргаликда, лоақал енгил-елпи уни таъмирдай олиши ҳам лозим.

Менга бу ҳикматнамо фикр жуда катта сабоқ бўлди. Устоз Камолиддин аканинг ҳунармандликларидан ва менга берган маслаҳатларидан беҳад ҳурсанд бўлдим. Мен ҳам созларни таъмирлашни ўрганишим зарур экан, деган фикр пайдо бўлди. Кечки пайт уйга келгач, фикримни дадажонимга айтдим. У киши бу фикрни жуда ҳам маъқулладилар.

Ўша вақтларда Наманган шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи қошида “Муסיқа асбобларини яшаш ва таъмирлаш устахонаси” бўлар эди. Бу устахонада уста Паттоҳон ака Норматхон ўғиллари ишларди. Уста Паттоҳон аканинг оталари уста Норматхон бува даданнинг энг яқин суҳбатдоши ва кадрдони бўлиб, устоз дадажонимни ота кадрдон каби ўзгача ҳурмат қилар эдилар. Бундан ташқари раҳматли устоз Паттоҳон ака ҳалим табиатли, маданиятли,

ажойиб хулкли инсон бўлиб, айниқса, гўжжак ясашга ниҳоятда уста эдилар.

Дадамлар мени ана шу устага шогирдликка бердилар. Мен ишдан ажралмаган ҳолда устахонага келиб-кетиб юриб, созларни таъмирлаш ҳунарини ҳам кунт билан ўрганиб олдим.

Орадан йиллар ўтди, эндиликда ўз созимни ўзим таъмирлай оламан. Шу билан бирга ҳамкасбларим ва биродарларимнинг ҳам чолғу созларини таъмирлаб, бемалол куй чалса бўладиган ҳолатга келтириб бераман. Созандалик соҳасида оддий ҳақиқат шуки, худди инсон сингари ҳар бир чолғу асбоби ҳам ўз тузилишига, ўз шаклига, ўзининг ёқимли, жозибадор ва ширали овозига эга.

ОТАМНИНГ ЎГИТЛАРИ

Бир куни Чорсу бозори дарвозаси олдидан ўтиб кетаётган эдим. Ногаҳон юртимизнинг таникли мақомчилар ансамбли аъзолари, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимахсумов, Очилхон Отахонов, Қувондиқ Искандаров, Фахриддин Содиқов, Сирож Аминовларни учратиб қолдим.

Ҳаммалари бошдан оёқ озода кийинган, чехраларидан самимийлик ва нур ёғилиб турарди.

– Ассалому-алайкум! Шаҳримизга хуш келибсизлар, – деб икки қўллаб сўрашдим.

– Хушвақт бўлинг, Муҳаммаджон ака, ўзингиз тинч-омонмисиз, фарзандлар катта бўлишяптими, – деб илиқ табассум билан ҳол-аҳвол сўрашишди.

Камтарликни қаранг, ўғлим. Шундай обрў-эътиборли санъаткорлар нафақат мен билан, балки уларни таниб қолиб,

сўрашишга интилган бошқа одамлар билан ҳам худди эски қадрдонлардай салом-алиқ қилдилар.

Эсингизда бўлсин, хоҳ таниш, хоҳ нотаниш... одамларга бепаро бўлманг. Биринчи бўлиб салом беришга интилинг. Солиҳ фарзанд ота касбини давом эттиради. Мабода ёшингиз улғайиб санъаткор бўлиб етишсангиз, ичиш ва чекишни одат қилманг йироқ бўлинг. Чунки, бу иллат киши саломатлигига зарарли, обрў кетади. Агар санъаткор кўшиқчи бўлса овозига путур етади. Созанда, бастакор ва хонанда камтарин, дилкаш ва хушмуомала бўлмоғи зарур.

ОЛИМЛАР СУҲБАТИ

– Яхшиларга ёндошинг, ҳеч қачон кам бўлмайсиз, дер эдилар отажоним. Айниқса, олимлар суҳбатидан баҳраманд бўлган одам ҳаётда кўзлаган барча мақсадларига эришади.

Шу боис арабшунос олим Мухаммаджон Юсупов, Аҳмад Убайдуллоҳ, машрабшунос олим, ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, навийшунос олим Одилжон Носиров, форсшунос олим Дедахон Эшондедаев, руҳшунос олим ва шоир Азимжон Асқаров, Абу Райҳон Беруний мукофоти лауреати, профессор Муфат Маматов, ҳуқуқшунос олим ва санъат шинавандаси Аҳмаджон Шарипов, шоир ва драматург Нуриддин Бобоҳўжаев сингари кўплаб олимлар суҳбатларидан умрим давомида баҳраманд бўлдим, улардаги барча фазилатларни ва умуминсоний хислатларни ўзлаштиришга, кундалик ҳаётим ва амалий фаолиятимда қўллашга ҳаракат қилдим. Олимлар суҳбати ҳар бир инсон учун бебаҳо хазина.

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ

(Сухбат)

Мамлакатимизда ўзбек мусика маданиятини юксалишига ўзининг улкан хиссасини кўшган моҳир созандалардан бири, Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, профессор Турғун Алиматов (1920-2008 й.) дутор, танбур, ғижжак каби чолғу асбобларида “Чоргоҳ”, “Фарғонача тановар”, “Дутор навоси”, “Насри сегоҳ”, “Наврўзи ажам”, “Сегоҳ”, “Тулузорим”, “Самои дугоҳ” каби жуда кўплаб миллий мумтоз куйларни алоҳида маҳорат ва бетакрор услубда меъёрига етказиб ижро этганлиги учун ҳам санъат шинавандалари қалбидан чуқур жой олиб “Олтин ноҳун” совриндори бўлган эди.

Устоз Турғун ака табиатан жуда ҳам камгап, лекин ҳар бир сўзи маънодор, юмор аралаш, бировга озор беришдан йироқ, сухбатдоши дилига усталик билан йўл топа оладиган, айна чоғда нозик таъб ва камтарин, меҳнатсевар, ўз касбини пухта эгаллаган инсон бўлиб, созандалик сирларини дилига ёққан шогирдларига ўргагишдан сира чарчамасди. У кишининг азиз фарзандлари Алишер, Ғанишер, Валишерлар ҳам ота касбини пухта эгаллашди, концертларда жўровоз бўлишди.

Созандаларнинг моҳир созандаси, профессор Турғун Алиматов наманганлик созанда ва бастакор Толибжон Дадабоевни нафақат ўз шогирди, балки фарзандлари қаторида кўрар, фойдали маслаҳатлар ва ҳаётий ўғитларини айтишдан чарчамасдан. Айна чоғда Толибжон Дадабоев ҳам кексайиб, нуроний бўлиб қолган устоз билан вақти-вақти билан учрашиб, хол-аҳвол сўраб туришни ўзининг шогирдлик ва инсонийлик бурчи деб биларди.

Эътиборли ва мазмунли, қизиқарли учрашувлардан бири раҳматли устоз вафотидан бир йил муқаддам, ёз ойларидан бирида, яъни 2007 йилнинг 16 июн куни бўлиб ўтган эди. Мазкур қизиқарли учрашувда адабиёт ва санъат мухлиси, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Наманган шаҳар Кенгаши раиси Маматвали Турғунов, Тошкент Давлат Миллий консерваторияси битирувчиси Насибахон Турғуновалар ҳам иштирок этган эдилар. Ўша куни фойзли ҳамда меҳмондўст хонадон соҳиби Турғун ака Алиматов, фарзандлари Ғанишер ва келинлари наманганлик меҳмонларни зўр хурсандчилик ва очиқ чехра билан кутиб олган эдилар. Тўлин дастурхон атрофида бир умрга арзигулик, қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди.

Созанда Толибжон Дадабоев ва у кишининг истеъдодли шогирдлари Замирахон Умарова, Насбахон Турғунова ижросида магнит тасмасига туширилган, қайта ишланган ва жилоланган дутор ҳамда танбур наволари зўр эътибор билан тингланди. Куйлар тугагач, Турғун ака Алиматов ва Ғанишер Алиматовлар наманганлик созандаларнинг ижро маҳоратига юқори баҳо бердилар.

Сеҳрли миллий санъатимиз, сержило мусиқа маданиятимиз, устоз-шогирд муносабатларига оид қадимий анъаналаримиз, созандалик касбининг нозик томонлари тилга олинган ушбу учрашув тафсилотларини эътиборингизга қисқача ҳавола этишни жоиз деб топдик.

– Бу қизча чаладиларми ёки айтадиларми?

– Дутор чаладилар, исмлари Насибахон. Консерваторияга киришда ижро маҳоратидан ўзингиз имтихон олган эдингиз. Ўқишни бу йил муъаффақиятли яқунлаб, магистратурада созандалик сирларини ўрганишни янада мукамаллаштириш ниятидалар. Бу киши Насибахоннинг оталари, Наманганнинг энг маърифатли инсонларидан бири Маматвали Турғунов.

– Жуда соз. Қаранг, Толибжон, вақт ва умрининг ўтишини.. Яқинда телевидение орқали илгарроқда суратга олинган концертимни беришди. Мен ҳам бор эканман-а, деб роса хурсанд бўлдим. Ҳадемай 87 бахорни қаршиладим, ўтган йили нафақага чиқдим. Ўзи 60 ёшда чиқиш керак эди. Лекин одамлар орасида юрганиннга не етсин. Эрта билан хурсанд бўлиб ишга жўнайсан, кечки пайт хурсанд бўлиб уйга келасан. Айниқса, санъат яхши соҳа, одам овунади.

– *Толибжон, эҳтиёт сиз карнай чалмайсизми?*

– Йўқ, устоз. Карнайдан бошқа барча чолғу асбобларини чала оламан.

– Ҳа, карнай тўй-ю, тантаналарга чорловчи асбоб, шодиёналик жарчиси, уни чалиш хийла қийинроқ. Лекин ҳар қандай созни чалиш учун алоҳида маҳорат талаб қилинади.

– Устоз, Сизга Чуст дўписидан олиб келган эдим, бир кийиб кўринг-чи!

– Ғанишер, ойнакни олиб келинг. (Устоз Чуст дўписини бошга кийдилар).

– Дада, Чуст дўписи бошингизга жуда мос турди-да. Чехрангизни янада ёшартириб юборди. Худди ўзингизга тикилгандай.

– Толибжон! Бошимнинг размерини ўлчаб кетганми-дингиз?

– Резмерингизни топибман-ми?

– Қойил, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Ўзбекка дўппи ярашади-да. Шапка ярашмайди. Что вы!

– Дада, шу дўппини кийдириб, Сизни водий бўйлаб айлангириб келиш керак.

– Думалок дўппи кийиб, қозоққа ўхшаб юрувдим. Энди гуллар шаҳри Намангандан келган ўзбекка ўхшайман-а!

– Хонадонингиз ҳам ўзингизга ўхшаб чиройли экан. Ҳамма мевали дарахтлардан бор, боғбончиликни ҳам яхши кўрасизми, дейман.

– Кичкина бўлса ҳам ҳовли яхши-да! Барча мевали дарахтлардан бор, кўча томонга ҳам экканман. Баъзан-баъзан набираларим келишиб, мазза қилишади. Уларнинг қувончини кўриб, мен ҳам ёшариб кетаман...

– *Толибжон, сизнинг ҳам набираларингиз борми?*

– Бор устоз! Ҳаммалари бир кунда уйда тўпланиб қолишса, байрам бўлиб кетади.

– Набираларимиз ҳам омон бўлишсин. Улар келажакимиз. Ота-она қаерда бўлса, болалар ҳам ўша ерда, омадларини берсин! Ишимизни, касбу-коримизни давомчиси, улар.

– *Устоз! Мен яқинда ўзбек мумтоз куйларидан 21 тасини дутор ва танбур созида бироз экило бериб чалиб, магнит тасмасига туширган эдим. Фикрларингизни эшитишни истайман. Шунингдек, дадалардан табаррук бўлиб қолган дутор ва танбурни ҳам кўриб берсангиз?*

– Бажонидил! (Устоз табаррук танбурни қўлга олиб, қорни ва даста қисмини кўз билан чамалаб кўрдилар. “Насри сеғоҳ”, “Гулжамол” куйлари ўзгача бир нола билан янгради. Ушбу созни ясаган уста хақида фикрлар бўлди. Гап дутор ва танбур ясалиши жараёни ҳақида кетди). Ўзбек санъатини элга доврўғини таратадиган нарса, бу дутор билан танбурда. Дутор билан танбур иккови ака-ука. Эшитганларга ҳам, чалганларга ҳам раҳмат!

– *Устоз, ҳозир қўш дуторда куй чаладиганлар жуда кўп-а!*

– Буни ҳозир жуда кам одам чалади. Толибжон, Наманганда дутор ва танбур яшаш ҳамда таъмирлаш устахонаси борми?

– Йўқ десам, хато бўлади. Лекин Уйчи туманида бундай устахона бор. Асли математика фани ўқитувчиси, мусика шинавандаси ва уста Турғунпўлат Аъзамов билан бу соҳада тез-тез учрашиб, маслахатлашиб турамыз.

– Наманган санъаткорлар ва санъатсеварлар шахри. Дутор ва танбур ясайдиган устахоналарни очилса, дутор ипи, танбур симини тайёрлайдиган уста кўпайса, ажаб эмас.

Санъатни севган инсонлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. (Устоз, Толибжон олиб келган қадимий дуторнинг у ёқ, бу ёғини кўз билан чамалаб кўриб, торларини созлаб, “Кўкон тановори” куйини маҳорат билан ижро этдилар).

Толибжон! Бу жуда эски дуторга ўхшайди-а! Лекин вақтлар ўтиши билан, айрим ўзгаришлар пайдо бўлибди. Аслида соз-соз бўлиши керак-да, шундай эмасми?

Одамлар ҳам қариган сари гапи кўпаяди. Шунинг сингари асбобнинг материали эски бўлса, соз яхши бўлади. Дўстларнинг ҳам эскиси яхши, сизга қулоқ соладиган бўлади. Соз янги бўлса ҳам, материали эски бўлса, созандага тез қулоқ солади.

– Устоз, олтин ноҳунингиз қайда?

– Илиб кўйилган қора кастюмнинг ўнг чўнтагида. Ғанишер ўша ердан ноҳунимни олиб чиқинг.

– Дада, ноҳунингизни олиб чиқдим, кўлингизга тўғри келармикин ёки бармоғингиз семириб кетдимикин?

– Қўл ва бармоқни ишлатиб турилмаса шундай бўлиши ҳам мумкин-да. Созанда доимо машқ қилиб туриши керак. Мен эса анча вақтдан бери соз чалмадим-да. (Устоз, Муҳаммаджон машшоқдан Толибжонга ота мерос бўлиб қолган қадимий танбурни қўлга олиб, торларини созлай бошлади). Сим йўғон экан-да, нола чиқиши қийинроқ бўлаяпти.

– Дада, ўзингизни танбурингизни олиб чиқайми?

– Майли ўғлим, анчадан бери танбурим ҳам чалинмай турибди.

– Марҳамат, дадажон, танбурингиз...

– Толибжон! (Устоз, ўзига бир умр қадрдон ва йўлдош бўлиб қолган, хаётда шуҳрат тиллапояларига олиб чиққан, сеvimли танбурини кўлга олиб, созлай бошлагач). Фақат соз эмас, созанданинг ўлтириши ҳам соз бўлиши керак. (Шундан сўнг Турғун ака танбурда “Самарқанд ушшоғи” куйини руҳий интиқлик билан шундай берилиб чалди-ки, создан чиқаётган нолани таърифлашга тил ожиз.

“Самарқанд ушшоғи” танбурда булбулнинг чиройли сайраши каби, шундай бир ёқимли овоз билан янгради-ки, устоз чалаётган куйни тинглар экан, Толибжон чуқур хаёлга чўмди. Гўзал Самарқанд шаҳрининг мухташам ва қадимий, сержило миноралари, тарихий обидалари, улуғ аждодларимиз сиймоси бирма-бир кўз олдидан ўтди. Балки, бу устоз ва шогирднинг сўнгги учрашувидир. Ана шундай фикр хаёлидан ўтдими, унинг кўзларида маржондай ёш қалқиди.

Эй воҳ! Нега асл ва яхши одамлар чинор каби узоқ яшамайди. Дилимда устозга Аллоҳдан узоқ умр тилади. Куй тугади. Устоз ҳам ёқимли ижродан сўнг, ўз фикру-хаёллари билан банд эди. Сукунатни Толибжон бузди:

– Устоз!

– А, лаббай!

– *“Кўшчинор” куйини ҳам чалиб беринг. Агар ижозат берсангиз, мен ҳам дуторда сизга жўр бўлай.*

– Майли! (Шундан сўнг, устоз-шогирд дутор ва танбур жўровозлигида “Кўшчинор” куйини юксак маҳорат билан ижро этдилар).

– Раҳмат, устоз! Умрингиз узоқ бўлсин. жуда мазза қилдим.

– Толибжон! Мусиқа – бу руҳий озуқа. Овқатдан ҳам зарил деб ҳисоблайман. Овқатга одам тўяди, лекин руҳий

озикқа одам тўймайди. Юракнинг дориси – яхши сўз, яхши муסיқа. Инсон юрак фаолияти билан яхши юради. Санъатга яқин одам ҳаммага яқин юради. Шу боис мен ҳам умримни соз билан ўтказдим.

– *Устоз, минг бора узр, мен сизни чарчатиб қўйдим.*

– Йўқ, йўқ, Толибжон! Бир-бирига ёққан одам ҳеч қачон чарчамайди. Айниқса, санъаткор билан уч соат суҳбатлашсангиз ҳам, вақт қандай тез ўтганини билмай, худди бир соатгина гаплашгандай ҳис этасиз ўзингизни. Бунинг учун инсон руҳиёти бир-бирига мос келиши зарур. Яхши одам – одамнинг жони-да! Ейиш, ичиш умри қисқа нарса, бу билан фақат касал бўлиш мумкин. Муסיқага эса одам ҳеч қачон тўймайди.

– *Устоз, шогирдларингиз қатори мени ҳам дуо қилиб қўйсангиз, фойдали маслаҳатларингизни берсангиз, мен бир умр эслаб, уларга амал қилиб юрсам. Бугун мен учун жуда ҳам хурсандчилик куни бўлди-да!*

– Албатта-да, Толибжон! Санъатга яқин одам ҳаммага яқин бўлади. Дили дилига, сўзи сўзига мос келса, суҳбатдош ҳеч қачон зерикмайди.

Баъзан одам улфатлар билан чойхона палов қилиб бир мазза қилайлик, дейишади. Улфатлар дам олишади. Бири у тоғдан, бири бу боғдан гапираверишади. Қорин тўйгандан кейин эса “яна кўришайлик”, деб хайрлашиб кетаверишади.

– *Устоз, бугунги кўришувимизда, худди эски қадрдонлар каби кўришдик-а, мен жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдим.*

– Бу киши мендан жуда ҳам ёш, бир нарсани билиб, мен билан шундай кўришаётган бўлсалар керак, деб мен ҳам қаттиқроқ кўришавердим-да. (Енгил кулги кўтарилди. Мазкур учрашувдан чин дилдан мамнунлиги устознинг нуруний чехрасидан сезилиб турарди). Чунки, санъаткор одамлар ёқимтой, одамлар дилига яқин инсонлар бўлади-да.

– Тану-жонингиз соғ бўлсин, устоз! Мусиқа ёрдамида одам ўтган дўст-биродарлари ва аждодларини эслайди, эзгу тилаклар билдиради. – Устоз! Дадам раҳматли “Яхши одам, одамнинг жони-да!”, – деган ҳикматни тез-тез ёдимга солиб турур эдилар. Бир куни, бир кизик иш бўлди. Тушимда бирам чиройли танбур чаляпман-ки, ва ажабо мен шунақа уста бўлиб кетдимми-а, куй чиройли чикаяпти, деб мундоғ уйғонсам.., радиода Сиз чалаётган экансиз. (Енгил кулги кўтарилди). Шундан кейин кўзларимда ёш пайдо бўлди ва илоҳим устозга ўхшаб юрай, деб ният қилдим.

– Ниятингизга етинг, омадингизни берсин Толибжон! Санъат одамларни бир-бирига яқинлаштиради, муомалага кириштиради, овутади, кўнглини кўтаради. Мол-дунёингиз бўлса-ю, лекин дилга яқин улфатингиз, санъатингиз, хурсанд бўладиган нарсангиз бўлмаса, дунё ҳикматини англамай ўтиб бораверамиз-да.

– Устоз! Ҳаётда поклик, ҳалоллик, эзгулик ва яхши одамлар, яхши экан-да.

– Албатта-да!

– Алишер ака ҳам яхшиларми, устоз. У киши ҳам сиз билан бирга соз чалиб турар эдилар-а!

– Ҳа, ўғилларимнинг ҳаммаси ҳам соз чалишни билади. Алишержон, биздан сал нарироқда уй-жой қилиб, болачақаси билан ўлтиришади, аҳволимдан тез-тез хабар олиб туради.

– Устоз, энди бир дуо қилинг. Менинг Замирахон, Насибахон, Азозбек, Абдулмажид, Равшанжон деган беш-ўнта шогирдларим бор. Улар мен билан ҳамнафас ишлашяпти. Уларни ҳам мен қатори дуо қилсангиз. Менга насихатларингиз ёки гапларингиз бўлса, айтсангиз, мен ўшаларга амал қилсам, деган ниятдаман.

– Толибжон! Сизни ҳам, шогирдларингизни ҳам санъат соҳасидаги фаолиятларида омадларини берсин. Халқимизга узоқ йиллар хизмат қилишни Аллоҳ насибадор қилсин!

Санъат – барчаники ва у халқимиз учун жуда зарур. Миллий санъатимизни янада ривожлантиришга шогирдларингиз, ҳамкасбларингиз билан биргаликда ўзингиз яшаб турган жойда хизматда холис бўлишларингни, миллий санъатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашларингни истайман. Шунингдек, дутор ва танбур ясайдиган усталар ва миллий чолғу асбоблари кўпайсин.

Бунинг натижасида чолғучи ёшлар ҳам кўпаяди. Мусиқа тўғараклари ташкил қилинлар. Болаларни санъатга кўпроқ яқинлаштириш зарур. Ҳозир жуда кўпчилик ёшлар рубоб ёки тор чалишга, тезроқ қўшиқ айтишга ишқивоз, назаримда. Айниқса, тор бизнинг чолғу асбобимиз эмас, у озарбайжонларники. Лекин мен бу билан тор чолғу асбобини ёмонлашдан йироқман.

Одамлар аксарият давраларда дутордан эшитайлик, танбурдан эшитайлик, деб илтимос қиладилар. Тордан ёки рубобдан эшитайлик, дейишмайди.

– Дутор ва танбур халқимизнинг қон-қонига сингиб, миллий созимизга айланиб кетган-да!

– Тўғри! Дутор ва танбурнинг тингловчи руҳиятига таъсири жуда кучли.

– Дада! Тор озарбайжончада, а?

– Тўғри, ўғлим! Тор озарбайжонларни дутори-да. Ўзбекистон радиосида ишлаб юрган кезларимда, кунлардан бир кун озарбайжонлик бир мусиқачи меҳмон бўлиб келиб қолди. Биз ансамбл билан ўтирибмиз. Ҳаммамиз чолғу асбобларини созлаб бир куйни ижро этдик.

Озарбайжонлик мусиқачи йигит бизга қараб, куйимизни тинглаб турди-да, ”Сизлар санъатчи экансизлар, агар ижозат

берсангизлар, сизларга торда бир куй чалиб бергим келаяпти”, – деди. Биз ҳаммамиз рози бўлдик.

Сўнгра торда шундай бир нола билан куй чалди-ки, куй тугагач, у ташқарига чиқиб кетди. Биз бир гурух чолғучилар ҳаммамиз қандай қилиб, унинг ортидан ташқарига чиқиб қолганимизни сезмай қолдик. Озарбайжонлик созанда тор чалиш маҳорати билан бизни сеҳрлаб қўйган эди.

Аслида торда нола қилиб бўлмайди, танбурда нола қилинади. Озарбайжонлик созанда эса, ундан ҳам ўтказиб юборди. Фақат танбурда нола бор десам, торда ундан ҳам нола кучлироқ экан. Озарбайжонлик созанда жуда-жуда устаси экан.

– Устоз, энди бизга рухсат берсангиз!

– Хўп, майли! Муродларингизга етинглар, бизни ёшга етиб юринглар. Бола-чақаларингизнинг орзу-ҳавасини, шогирдларингизнинг истиқболини кўринглар. Ҳаётда яхши из қолдириб кетишни насибу-рўзи айласин.

Устоз Турғун ака Алиматов наманганлик меҳмонларни кўчага қадар кузатиб чиқар экан, илиқ хайрлашди. Шогирди Толибжон Дадабоевни эса, сўнгги бор оталардек ўзгача меҳр билан бағрига босди, оқ йўл тилади.





Сурагда: Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин Раҳимов ва Толибжон Дадабоев ижодий мулоқотда.



Сурагда: (Ўнгдан чапга) Толибжон Дадабоев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев, мухлис Маматвали Тургунов.



Суратда: (Чандан унга) Толибжон Дадабоев, шоир Зиёвуддин Мансур, шоира Гулжамол Асқарова ва Маҳмуджон Дадабоев.



Суратда: Маърифий тадбирдан сўнг...



Суратда: Ҳофиз Нурулло Юнусов билан.

ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОР

Ҳаётда санъаткор бўламан деган одамлар жуда ҳам кўп. Лекин ҳаммага ҳам санъаткор бўлиш насиб этавермайди. Бунинг учун Аллоҳ инъом этган алоҳида қобилият, ризқ-насиба, илм ва ҳалоллик, поклик, нафси тия билиш, адабиёт ва санъатга чин дилда муҳаббат қўйган бўлиши зарур.

Ўзининг барча яхши фазилатлари, билими, меҳнатсеварлиги ва дилкашлиги билан эл-юрт учун доимо беминнат камарбаста бўлиб хизмат қилиб келаётган, уста санъаткорлардан наманганлик уста машшоқ Муҳаммаджон аканинг зурриёдлари Махмуджон ва Толибжон Дадабоевлар ҳам санъат соҳасида устозлари ва оталари кўрсатган йўлдан юриб, эл ардоғига сазовор бўлган созанда, бастакор, хонандалардир. Мен уларнинг санъат соҳасидаги машаққатли ва хайрли ишларига омадлар тилайман.

**Муфатхон ҳожи МАМАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Давлат мукофоти лауреати,
профессор, математик.**

УСТАЗОДА

Одатда санъат соҳасида пири комиллар даражасига етган, кўпчиликка сабоқ бера оладиган ҳофиз, созанда-машшоқларни устоз деб эъзозланади, эҳтиром кўрсатилади. Ўзининг ҳулқу одоби, мулозамати, одамийлиги ҳамда моҳир навозандалиги билан Наманган депарасида анчагина танилган Муҳаммадҷон машшоқ ана шундай бообрў, элга манзур сиймоларидан бири эдилар.

«Қуш уясида кўрганини қилади» – деганларидек, у кишининг зурриёдлари ҳам ота изидан бориб кам бўлишмади. Маҳмудҷон Дадабоев ҳам хонанда, ҳам созанда, ҳам бастакор, ҳам моҳир педагог бўлиб элга танилган бўлса, унинг изидан бораётган Толибҷон Дадабоев ҳам акасига ўхшаш чорқирра истеъдод соҳибларидан бири сифатида устозода мақомига эришганига ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Маданий-оқартув техникуми, муסיқа билим юрти, Наманган педагогика институти (НАМДУ) сингари илм масканларини тугатган Толибҷон Дадабоев яхши фазилатлари, хонанда, созандалиги билан ҳавас қилса арзийдиган педагоглардан бири экани ҳар қандай кишини қувонтиради. У басталаган кўшиқлар ўзига ўхшаш дилбар, дилга яқинлиги, халқчиллиги билан ажраб туради. Кишига ҳузур бағишлайди. Устозлардан тинмай сабоқ олиб, ўзи ҳам устозлик мақомига эришган соҳиби истеъдодга чин дилдан хорманг, устозода деймиз ва келгуси ижодий ишларига ИЛОҲИЙ ИЛҲОМ тилаймиз!

**Зиёвиддин МАНСУР,
Наманган вилоят маънавият-тарғибот
маркази раҳбари, шоир.**

МАҲОРАТЛИ СОЗАНДА

Наманган қадимий санъаткорлар юрти. Бу макондан элга машхур ва халкимизга чин дилдан хизмат қилган Уста Рўзиматхон Исабоев, Зиёвиддин ака, Ваҳобжон ака Абдуллаев, Саидхўжа Холдорхўжаев, Камолиддин Раҳимов, Турдиали Саъдуллаев, Баҳодир Бакиров, Боқижон Сатторов, Қосимжон Раҳматов сингари кўплаб санъатимиз фидойилари етишиб чиққан.

Санъат – катта даргоҳ. Бу даргоҳда жуда катта шон-шуҳратга, унвонларга эга бўлган инсонлар жуда ҳам кўп. Бир умр санъатга хизмат қилиб, битта ҳам шогирд етиштирмаганлар ҳам бор.

Ўз маҳорати ва истеъдоди билан элга танилган, санъат соҳасида кўплаб шогирдлар етиштирган созанда, бастакор ва хонандалар талайгина. Ана шулардан бири наманганлик машхур машшоқ устозлардан Муҳаммаджон аканинг зурриёдлари Толибжон Дадабоевдир.

Мен у кишининг шогирдлари Замирахон Умарова билан ҳамкорликда тайёрланган, магнит тасмасига туширилган дилрабо мусиқа оҳангларини тинглаб, жуда завқландим.

Толибжоннинг шогирди Насибахон Турғунова консерваториямизнинг дутор сози бўйича энг яхши созандаларидан бири бўлиб камолга етмоқда. Устознинг бундай шогирдлари жуда ҳам кўп. Улар эл-юрт хизматига доимо камарбаста.

Бундан кейин ҳам Толибжон Дадабоевнинг шундай шогирдлари кўпаяверсин. Умрларига, ижодларига, касб-корларига Аллоҳ мададкор бўлсин.

Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон халқ хофизи, Тошкент Давлат
Миллий консерваторияси катта ўқитувчиси.

ИБРАТЛИ ИНСОН

Толибжонда йўқ, деган сўзнинг ўзи йўқ. Оилада ота тарбиясини олган-да. У ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажаради. Жуда ҳам масъулиятли ва фидойи педагог.

Мен Наманган педагогика коллежида директорлик лавозимида ишлаб юрган кезларимда, мазкур ўқув даргоҳи моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, аҳил ва иноқ, билимдон педагогик жамоани вужудга келтириш билан биргаликда, ободонлаштириш ишларига ҳам жиддий эътиборни қаратдим. Чиройли хушманзара гулхоналар яратилди.

Бу ишларда Толибжон Дадабоев ҳам сидқидилдан меҳнат қилди. Бу ишга дарсдан ташқари вақтларда гуруҳидаги ўқувчиларни ҳам жалб этди. Ўша вақтларда ҳар бир академгуруҳнинг ўз гулхонаси бўлар эди.

Кейин билсам, Толибжон гулларнинг турли ранглари ва ёқимли ҳидларидан завкланиб, куй басталар экан. Шунинг учун ҳам у яратган куйлар ва кўшиқлар жуда ёқимли ва киши қалбига ёрқин нур каби кириб боради. Гуллар унинг учун илҳом парисидир, гулни яхши кўрган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чикмайди. Умуман, гўзал табиат санъат асарлари учун асосий объектдир. Қани энди, шундай одамлар жуда ҳам кўп бўлса, юртимиз яна ҳам гўзал бўларди. Бирга ишлаган кезларимизда педагогик жамоа ва ўқувчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари натижасида бу маскан фақат ўқув юрти эмас, балки истироҳат боғига ўхшаб қолган эди. Ҳозир ҳам шундай.

Фидойи ва камтарин инсон, ўз касбига садоқатли, билимдон педагог Толибжон Дадабоевни ҳар сафар кўрсам қўлларимни унинг елкасига қўйиб, ўзимга жуда ҳам яқин олиб, самимий сўрашаман. Сабаби, у раҳбарлик қилган

гуруҳ ўқувчилари ва бошқа шогирдлари ҳам доимо унинг атрофида парвона эдилар. Топширилган вазифалар сидқидилдан бажариларди.

Бир куни Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг икки жилдлик “Сайланма” асари тақдимоти тадбири бўладиган бўлиб қолди. Мен Толибжонга эрта билан то тадбир бошлангунча “Наврўз таронаси” номли шеърга куй басталаб, ўқувчиларга кўшиқ ўргатишни таклиф этдим.

Тадбир бошланди, янги кўшиқ бирам ёқимли, жозибадор янгради-ки, фақат мен ёки томошабинлар эмас, балки шоирнинг ўзи ҳам, бағоят хурсанд бўлган эди.

Чинакам педагог, созанда ва бастакор Толибжон Дадабоевдан ибрат олса арзийди.

Ҳосиятхон АХМЕДОВА,
тарих фанлари номзоди,
I-даражали “Соғлом авлод” ордени нишондори.

САМИМИЙ ИНСОН

Толибжон Дадабоевнинг самимийлиги, барча билан бир хил муносабатда бўлиши мени ҳайратга солади. Толибжон битта соз билан чегараланмасдан, унга турдош бўлган бошқа чолғу асбобларини ҳам яхшигина “гапиртиради”. Ҳақиқий созанда, санъаткор шундай бўлиши керак, деб ўйлайман. У яхшигина ашула ҳам айтади. Овози ширали, бошқалардан ажраб туради.

Толибжон ижро этган куй ва кўшиқда дард, яратган томонидан инъом этилган илоҳий ишқ мавжуд. Шундай ишқ, шундай дард бўлмаса, тингловчининг юрагига етиб бормайди. Бу ишқ, бу дард ўқиган билан пайдо бўлмайди. Бу ҳислат такрор айтаман илоҳийдир.

Инсонга берилган гойибона ҳислатни камол топтириш учун, унда интилиш, тўхтовсиз ҳаракат, ўзидаги иқтидорни юзага чиқариш учун йўл-йўриқ кўрсатувчи устоз ҳам бўлиши керак. У доимо ҳаётда интилиб яшади, ўрганишдан чарчамади.

Мен иқтидорли бастакор – Толибжон Дадабоевга узоқ-умр, ишларига улкан раванқ тилайман.

Маматвали ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси.

СОЗ ЧЕРТИЛГАНДА...

Толибжон ака соз чертганларида дутордан таралаётган оҳанграбо куй замондошларимизда мустақил она-Ватанимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатни янада оширади, меҳнатсеварликка, яхшиликка ва эзгуликка даъват этади. Айни чоғда Толибжон Дадабоев серкирра ижодкор, моҳир педагог, истеъдодли созанда ва бастакор, хушовоз хонанда. У кишидаги одамохунлик, багрикенглик ва оқибатлилиқ каби бир қатор инсоний ҳислатларни ўзим учун ибрат-намуна деб биламан. У кишида мужассамлашган ана шундай инсоний фазилатлар мазкур рисола орқали ёш китобхонлар қўлига етиб бориб, уларда ҳаёт мазмуни бўлмиш мусиқа илмига бўлган муҳаббатни янада ортттиради, деган умиддаман. Ўйлайманки, ана шу эзгу ният орқали Толибжон ака Дадабоев ўз олдига қўйган орзуларига албатта эришади.

Икромжон СОДИҚОВ,
Наманган вилоят телерадиокомпанияси режиссёри.

ЁШЛАР УЧУН МАКТАБ

Толибжон Дадабоев қарийб 33 йилдирки, Наманган педагогика коллежида педагогик фаолият кўрсатдилар. Ана шу умр йўлларига назар ташлайдиган бўлсак, бўлажак мутахассисларга таълим-тарбия беришда, жамоада маънавий муҳитни яхшилашда ва шакллантиришда барчага намуна ҳамда ёшларга ибратдирлар.

Устоз Толибжон Дадабоев нафақат ўз касби сирларини яхши билади, балки у кишида комил инсонларга хос олийжаноб фазилатлар характерларида мужассам бўлганлиги учун ҳам педагогик жамоада алоҳида обрў-эътиборга эгадирлар. Шу билан бирга жамоада ўз ўринлари мавжуд.

Коллежимиздаги барча тадбирлар ва тантаналар у кишининг иштирокисиз ўтмайди. Ўзларининг оҳанграбо куйлари ва шогирдларига ўргатган кўшиқлари билан жуда катта ҳисса қўшиб келадилар. Айниқса, устоз-шогирд муносабатларида барча педагогларга намуна бўлдилар.

Устоз Толибжон ака дарсда ва дарсдан ташқари бўш вақтларда талабалар билан доимо бирга, кўшимча машғулотлар ўтказишдан чарчамайди. Шу билан бирга янги-янги куйлар, кўшиқлар яратади, шогирдларига ўргатади. Шунинг учун ҳам нафақат жамоада, балки мусиқа бўлимида у кишининг меҳнатлари алоҳида қадрланади.

Бугунги кунда миллий қадриятларимиз ва миллий кўшиқчилигимизнинг тикланишида дутор ва бошқа чолғу асбоблари билан алоҳида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ёшлар учун домланинг босиб ўтган йўллари жуда катта олий мактаб ҳисобланади.

Дилоромхон МАТКАРИМОВА,
Наманган педагогика коллежи директори.

УСТОЗ ЭЪТИРОФИ

1966 йилда мен Наманган Давлат педагогика институтида талабаларга мусика таълимидан дарс бериб, фаолият кўрсатиб турардим. Кунларнинг бирида факультетимизнинг декани, профессор Ғанижон Алиев хузурларига чакириб, мени Наманган маданий-оқартув техникумига таклиф қилишаётганини, бунга эса ўзлари рози эканликларини айтдилар. Шундан сўнг, техникумдан ярим ставка дарс олдим. Битта гуруҳ беришди. Гуруҳ ўқувчилари орасида Толибжон укамиз ҳам бор эди.

30 нафар ўқувчи бўлса-да, Толибжоннинг зийраклиги, тиришқоклиги, одоб-ахлоқи бошқаларга нисбатан менга кўпроқ ёқиб қолди. Шундай қилиб Толибжон билан бирга яқка тартибда ишлай бошладим.

Эрта билан ишга борсам, Толибжон ҳар куни кутиб олади. Унинг яхши томони шуки: «Бугун дам олиш куни домла уйга чанг чолғу асбобини уйга олиб кетайми?», дердилар. «Бемалол олиб кетинг», дердим. У киши эринмасдан 16 кг нарсани кўтариб, уйга олиб бориб, кечаси билан чалиб, машқ қилиб, эрта билан дарс бошланмасдан бу ерга олиб келар эдилар.

Ана шунга ҳам орадан 40 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, биз ҳамон биргамиз. Анчагина куй ва қўшиқларни басталаб, халққа ёқтириб келаяпти. Толибжондаги яна бир хусусият шуки, у кишига чолғу асбобини фарқи йўқ. Дутор дейсизми, ёки чанг дейсизми, доира дейсизми, ғижжак дейсизми барини чалиб кетаверади.

Устоздаги энг яхши фазилат, агар талабалар устознинг ортидан юрса, билинки, бу – яхшилик аломати. Яхши тарбиячи, яхши мураббий-педагог. Қачон қарасангиз

Толибжоннинг атрофида 8-10 нафар шогирдлари ҳар доим тайёр туришади.

Толибжон кейинги вақтларда шундай дейди: “Устоз, энди бу ишларни сиз бажарманг, бизга айтинг, буюринг, фақат маслаҳат беринг!”. Якка тартибда машғулот дейсизми, турли тадбирларга куй ва кўшиқ тайёрлаш, тўғарак ёки ансамбл ташкил этиш дейсизми, бугунги кунда ҳаммасини шогирдлари билан ўзи бажаради, шогирдлик бурчини аъло даражада адо этади.

Мен азиз шогирдим Толибжоннинг бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тилайман.

Эргашали ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси,
олий тоифали ўқитувчи, мусикашунос.

АНЪАНАГА СОДИҚ УСТОЗ

Толибжон Дадабоевни 1975 йилдан бери биламан. Чунки, ана шу йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика ва мусиқа бўлимини тугатганидан сўнг, шу ўқув юртига ишга юборилганман. Шу ерда мени илиқ чехра билан кутиб олган устозлардан бири ҳисобланадилар. То ҳозирга қадар биргаликда ва ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз.

Толибжон Дадабоев миллий мусиқа анъаналаримизни, мусиқа йўлларини жуда ҳам яхши билади, бу ҳолат у кишининг иш жараёнида яққол намоён бўлиб туради. Сабаби, у киши туғилиб ўсган хонадон санъаткорлар оиласи бўлганлиги учун ҳам, ака-укаларнинг ҳаммасида санъатга қизиқиш кучли эканлигини кўрдим. Толибжон ака қўлга қиритган ютуқларнинг асосий сирини, мусиқа таълими

дарсида ўқувчиларга берилган билимла-рини, дарсдан ташқари якка тартибдаги машғулотлар ҳамда ўзлари ташкил этган “Дуторчи қизлар” ансамбли ва мақом йўлидаги тўғарак машғулотларида янада мустахкамлана-ётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис бугунги кунда Толибжон аканинг шогирдлари нафақат Наманганда, балки қўшни Фарғона, Андижон вилоятлари ҳамда қўшни дав-латлар ўқув даргоҳларида ёшларга билимларини бериб, мусиқа таълими соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Мен хоҳлардимки, устозга ўхшаган, ўзида ҳақиқий миллий қўшиқчилик ва мусиқа анъаналарини, миллий мақом йўллари ва ижрочилигини мужассамлаштирган санъаткорлар, мусиқа таълимини пухта ўзлаштирган устозлар кўп бўлса, бугунги кунда ёшларга чет эл ёки эстрада йўллари билан биргаликда кўпроқ ўзимизнинг куй ва қўшиқлари-мизни ўргатадиган педагоглар кўпайишини истар эдим. Мен Толибжон аканинг санъат соҳасидаги кўп қиррали фаолият-ларига омадлар тилайман.

Ҳакимжон ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

САНЪАТГА САДОҚАТ

Истеъдодли созанда Толибжон Дадабоев тиниб-тинчима-с, қизиқувчан, изланувчан, меҳнаткаш, ўз касби сирлари ва бу соҳага тегишли билимларни пухта ўрганишга интилув-чан инсон. У бизнинг педагогика билим юртига ишлагани келганда ўрта махсус маълумотли эди. Ўз маълумотини янада ошириш мақсадида, дастлаб санъат билим юртида, кейинчалик Наманган Давлат педагогика институтида таҳсил олди.

Толибжоннинг менга ёққан яхши жиҳати илм-маърифатли комил инсонлар, олимлар, созандалар, бастакорлар, хонандалар ва шоирлар суҳбатида бўлишни, улардан сабоқ олишни касбий бурчи, деб билади. Жуда кўплаб ғазалларни ёддан билади ва ёқимлигина ҳиргойи қилади. Танбур ёки дутор чолғу асбоби билан вилоятда ўтказилаётган оммавий-кўнгил очар байрам тадбирларида фаол иштирок этиши, А.Навоий номли вилоят театри ҳамда Наманган вилоят телерадиокомпанияси томонидан ҳамкорликда “Тасанно”, “Жонли ижро” телекурсувларидаги бадиий чиқишлари санъат шинавандаларига жуда ҳам манзур. Чунки, Толибжоннинг оталари элга машҳур устоз Муҳаммаджон машшоқ ҳам бутун умр эл хизматида бўлганлар. Бугун Муҳаммаджон машшоқ номлари тилга олинса, вилоятимизнинг кекса нуроний отахон, онахонлари юзида илиқ табассум, энг яхши хотиралар тилга олинади. Толибжон ҳам ота изидан бормокда, ота орзу-истакларини амалга оширмоқда.

Толибжон Дадабоев маърифатпарвар инсон. Ўзи куй ва кўшиқ басталайди, ўзи тарғиб қилади. Бир қатор асарлари Ўзбекистон ва Наманган вилоят телерадиокомпанияси олтин фондида, фонотекасида сақланмоқда. Бунинг эвазига бир неча бор фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар олишга муяссар бўлган. Ўз касбига садоқати, узоқ йиллик самарали маҳнатлари эвазига “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган. Келажакда Толибжон бундан-да катта мукофотлар совриндори, педагогик фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритишига умидвор бўлиб қоламан.

Хусанбой БОЙМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси,
олий тоифали ўқитувчи, мусикашунос.

ФАХРЛАНАМАН

Мен 2000 йили Наманган педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Келган кунимок мусиқа саводимни текшириб кўриш учун Толибжон Дадабоев устозга учрашимни айтишди. Шу илк учрашувдаёқ бу инсонга нисбатан менда катта ҳурмат ва илиқлик уйғонди. Кейинроқ таълим жараёнида “ғижжак синфи” мутахассислиги бўйича ҳурматли устоз Хусанбой Боймирзаев домлага бириктирилганлигимни айтишди. Устоздан ғижжак сабоқларидан ўргана бошладим. Шу билан бирга бизни гуруҳимизга раҳбар этиб сайланган устозим Толибжон Дадабоевни ҳузурларига ҳам кўп кириб турардим. Устозимдаги ноёб инсонийликни ва бетакрор қобилиятни кўриб ҳавас қилардим. Бир куни устозим:

– Азизбек, ашулачига танбур ярашади. Сиз танбур чалишни ўрганинг, – деб танбур бердилар. Шу кундан бошлаб танбур чалиб кўшиқ куйлашни ўргана бошладим. Бундан ташқари у кишининг устахоналарига кириб асбобларга сим тортиш, харрак кўйиш, ҳатто созлашнинг ҳам нозик жиҳатларини ўрганиб бордим. Кейинчалик устозимдан олган ўғитларим боис менга омад кулиб боқиб, НамДУ га ўқишга қабул қилиндим.

Бизнинг ўзбек миллий мусиқа санъати қадим замонлардан бери устоздан-шогирдга, отадан-ўғилга анъана бўлиб ўтиб-келган ва узоқ йиллар мобайнида жилोलаниб, сайқал топиб юксак мақомларга етган. Устозим Толибжон Дадабоевни ана шундай устоз-шогирд анъанасини давом эттириб келаётган фидойи инсон деб ўйлайман. Мен шундай устозга шогирд бўлганимдан доимо фахрланиб юраман.

Азизбек ПЎЛАТОВ.

УЗОҚ УМР ТИЛАЙМАН

Болалик ва ўқувчилик йилларимдаёқ санъат оламига бўлган қизиқишим ниҳоятда катта эди. Меҳрибон ва зиёли ота-онам ана шу қизиқишимни ҳисобга олиб, Уйчи туманидаги мусиқа мактабига ўқишга бердилар. 1995-99 йилларда санъат коллежида, сўнгра Наманган Давлат университетиди мусиқий таълим йўналиши бўйича тахсил олдим. Дастлаб фортопиано, хоршунослик сирларини ўрганган бўлсам, талабалик йилларимда устоз Толибжон Дадабоевдан созандалик, бастакорлик, хонандалик сирларини, меҳнатсеварлик, оққўнгиллик каби бир қатор фазилатларни юқтирдим. Айниқса, устоз ўзбек мумтоз адабиёти, шеърят ва А.Навоий, Б.Машраб, З.Бобур, Нодира, Увайсий каби улуғ шоирларнинг ғазалларини ниҳоятда пухта биладилар ва улар асосида жуда ёқимли кўшиқлар ижро этадилар. Бу ҳолат, албатта, кўпчилик шогирдлари қатори менинг қалбимни ҳам мафтун этди. Дутор чалиш ва кўшиқ айтиш сирларини эринмай ўргатдилар.

Натижада, “Дутор ва танбур наволари” номли (22 та куй) видео диск, алоҳида магнит тасмаси юзага келди. Ҳамюртимиз Бобораҳим Машрабнинг 10 та ғазалига янги кўшиқлар ёздик. Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоевлар томонидан устозим ва менинг ижро маҳоратимга берилган ижобий баҳо ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Санъат соҳасидаги орзуларимни ушалишида, обрў-эътибор топишимда, масъулиятли ва мураккаб ўқитувчилик касбини эгаллашимда барча устозларим қатори, меҳнатсевар ва олийжаноб инсон Толибжон Дадабоевнинг хизматлари

катта. Устоз сабоқларида ўрганган билим ва тажрибаларни ёшларга етказиш борасида баҳоли кудрат ҳисса қўшаётганимдан бағоят хурсандман. Фидойи ва камтар устозимга узок умр тилайман.

Замира УМАРОВА,
Наманган педагогика коллежи
Муסיқий таълим ўқитувчиси.

МАЗМУНЛИ САБОҚЛАР

1981 йил Наманган давлат санъат билим юртини учинчи босқичида ўқиётган кезларимда устоз-санъаткор Жамолхон Ҳасанов таклифларига кўра билим юртига ака-ука Маҳмуджон ва Толибжон Дадабоевлар ташриф буюришди. Уларнинг ташрифидан мақсад кўнгилли талабалардан халқ ансмабли тузиб халқ классик ва мақом куй-қўшиқларидан иборат кичик концерт дастури тайёрлаб билим юрти саҳнасида намойиш этиш ва келажақда кўзда тутилган анъанавий мақом чолғучилик бўлимини очишга пойдевор тайёрлаш эди. Созандалар бизнинг бўлимдан олинди, ашулачилар бошқа бўлимлардан танланди. Маҳмуджон ва Толибжон акалар бошқа жойда ишлашар ва машғулотимизга ишдан кейин келишар эди. Биз ҳам дарслардан сўнг тўпланар эдик. Ансамблда оғзаки анъанавий услубда машғулот олиб борилди. Дастурга асарлар танлаб олиниб, улар устида ишлай бошладик. Бир ҳафта ўтар-ўтмас биз ансамблимизга жуда ўрганиб қолдик. Устозларимиз феъл-атвори, одоб-ахлоқлари, ўзларини тутишлари, хазил-мутойибалари, албатта ижрочилик маҳоратлари бизни ром қилган эди. Устозларимиз билан худди ака-укадай бўлиб қолдик. Биз кейинги машғулот кунини орзуқиб кутардик. Уч

ой атрофида машгулот бўлди. Шу вақт мобайнида биз улардан кўп нарсаларни ўргандик. Шу оз фурсатда мен ўзимни ижрочилик йўлимни топдим. Бизда халқ куй-кўшиқларига, мақомларга нисбатан ниҳоятда кучли қизиқиш уйғонди. Бу устозлар бизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдирди. Устозларимизни ҳозир ҳам чуқур ҳурмат билан эсга оламиз. Тайёрланган концерт дастуримиз жуда муваффақиятли чиқди. Мухлислар олқишига сазовор бўлди.

**Абдумажид ОТАБОЕВ,
Наманган шаҳар педагогика коллежи ўқитувчиси.**

МИННАТДОРМАН

1975 йилда Наманган педагогика билим юртига ўқишга киргач, моҳир созанда ва устоз педагог Толибжон Дадабоевдан мусиқа сабоғларини олишга муяссар бўлдим. Толибжон ака табиатан ҳаракатчан, бошлаган ишларини албатта охирига етказадиган инсон. Шу боис машгулотлар кизиқарли эканлигидан вақт қандай ўтиб кетганлигини билмас эдик. Соз чалганимизда, кўнгиллари тўлиб, завқланиб тинглар, фойдали маслаҳатлар беришдан чарчамас эдилар. Натижада мен устоздан доира, рубоб, чанг ва фортепиано каби қолғу асбобларни бемалол чалишни пухта ўрганиб олдим. Натижада санъат ҳаётим ва педагогик фаолиятим мазмунига айланди.

Йиллар ўтди. Фарзандларим ҳам санъат йўлини танлади. Улардан икки нафари устоз Толибжон акага шогирд бўлиб, мусиқа сирлари ва сехрини ўрганиш бахтига муяссар бўлди.

Мен устозим Толибжон Дадабоевдан бир умр миннатдорман ва чин дилдан ташаккур билдираман.

**Моҳия АБДУЛЛАЕВА,
Учқўрғон шаҳридаги 18-мактабгача
таълим муассаси олий тоифали мусиқа тарбиячиси.**

ОТАДЕК МЕХРИБОН УСТОЗ

Мен устоз Толибжон Дадабоевдан сабоқ олиш, ўз устимда тинмай ишлаш жараёнида дуторда ижро этиладиган куйлар, ундаги сеҳрли ва сержило безаклар, бетакрор зарбларни қўллаш усул-ларини, ўнг ва чап қўл бармоқларининг ҳаракатларини ўргандим. Биринчи ўрганган куйим наманганлик моҳир бастакор Каримжон Мансуровнинг «Дуторим» номли муси-қаси бўлди. Устозим нафақат менга, балки бошқа курсдош-ларимнинг ҳар бирига ўз фарзандларидек меҳрибон, эътибор билан қарар, юксак кунт, сабр-чидам билан таълим берар эдилар. Дуторда ижро этиладиган турли машқларни, хилма-хил зарбларни кўпроқ чалишимиз зарурлигини уқдирар, ҳар бир созанда кунига камида икки-уч соат ва балки ундан ҳам кўпроқ ўз устида мустақил ишлаши зарурлигини таъкидлар эдилар.

Менинг кейинги йилларда камолотга эришувим, дутор сози бўйича Ўзбекистон Давлат Миллий консерваториясида тахсил олишимда устоз Толибжон Дадабоевнинг беқиёс хизматлари бор. Орзуларим ва истакларимни доимо қўллаб-қувватлаб, отадек меҳрибонликларини, фойдали маслаҳатларини ҳеч қачон аямаганлар. Устознинг олижаноб фазилатларидан яна бир томони, кимки улардан дутор, танбур, рубоб, ғижжак, доира, чанг каби чолғу созларини чалиш сирларини ўрганиш истагини билдирса ҳеч қачон инкор этмас, уларга бажонидил ўргатиб, миллий мусиқага бўлган кизиқишларини янада оширадилар. Беғубор устозим бизнинг ва фарзандларининг бахтига доимо омон бўлсинлар.

Насибахон ТУРҒУНОВА,
Ўзбекистон Давлат Миллий
консерваторияси магистранти.

УСТОЗИМГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

2001 йилда Фарғона вилоятининг Яйпан шаҳарчасидан келиб, мусиқа таълими муаллими бўлиш мақсадида Наманган педагогика коллежига ўқишга кирдим. Рубоб чолғу созидан устозим Рустамжон Эргашевдан куй чалиш сирларидан бохабар бўлдим. Ўқишга кирган дастлабки кунларимдаёқ коллежимиздаги “Дуторчи қизлар” ансамблига қатнашишни жуда ҳам ҳавас қилардим. Ниҳоят 2-курсда бу орзуйим рўёбга ошиб, ансамблнинг бадий раҳбари, моҳир педагог, созанда ва хонанда Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Толибжон Дадабоевдан сабоқ олиш менга ҳам насиб этди. Нола билан айтилган қўшиқ, меҳр билан чалинган куй кўнгилларни обод этишини, инсонни эзгулик дунёсига олиб кириб, тафаккур оламини бойитишни, мумтоз куй ва қўшиқларни, шу билан бирга одамийликни, ростгўйликни, ҳалолликни, умуминсоний фазилатларни устозимдан ўргандим. Мени у кишига ўхшагим келади.

Гулбахор СУЛАЙМОНОВА,
Кўкон шаҳар, 35-мактаб
мусиқий таълим ўқитувчиси.

СОЗАНДА ВА БАСТАКОР ТОЛИБЖОН ДАДАБОЕВ ЯРАТГАН ҚЎШИҚЛАР

№	Шеър ёки ғазаллар муаллифи	Номи	Ижрочи, йил
1.	Нилуфар	"Қўнғил"	Мукаррама Қаюмова, талаба 1976 йил.
2.	Ҳайдар Яхёев	"Ёшлигим"	Мукаррама Қаюмова, талаба 1976 йил.
3.	Зоҳиджон Обидов	"Боди саболар"	Солижон Абдуллаев, хонанда 1977 йил.
4.	Жуманиёз Жабборов	"Эй Нилуфар, йиғлама"	Турсуной Мамедова, Ўзбекистондаҳизмат кўрсатган артист, 1978 йил.
5.	Ҳабибий	"Бўстонларим бор"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
6.	Муқимий	"Фасли баҳор"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
7.	Фурқат	"Чиройли"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
8.	Маҳмуджон Дадабоев	"Ўзбекистон"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
9.	Маҳмуджон Дадабоев	"Атиргул"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
10.	Чустий	"Эй, гўзал Ватан"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.
11.	Гулжамол Асқарова	"Нега севмайсан мени"	Дуторчи қизлар ансамбли, 1998 йил.

ОНАЖОНИМ, СИЗНИ ТОПМАДИМ

З.Мансур шеъри, Т.Дадабоев мусиқаси

Moderato

Муш-дун-ё-да
Топ-дун шн дун -
о - на - жо - ним сиз - ни топ - ма - дим.
Не ис-та-сан топ-дун-му, ам-
- ма, ... Моҳ-ри-во-ним
сиз-ни топ-ма - дим.
о - на - жо - ним сиз - ни топ - ма - дим.

Кур бје - дил, кур
 пар - во - на тон - дил,
 Гав. хар тек - дил, дил - го - на тон - дил,
 мо - мн - та тон на - мо - на тон -
 дил.
 суг - ки, тон - ма - дил.
 о - на жо - кил суг - ки тон - ма - дил.
 ки - го - мн - суг з - дил дил - на - сав,
 Бу кур суг - суг во - дил час - ва - сав,

Музыкальный нотный фрагмент с русскими текстами. Музыка записана на нотном стане (линии G-clef) с использованием нот и знаков препинания (запятые, тире). Текст песни:

э- вох, ми-ри-ки-
муз-за-там-на-кан
ми во-во-ми, муз-ми-там-на-диди.
аи.....
Му-роу а-санг а-танг в-ми, дод
а-кар-дид-муз му-дом за-ми-и
сб, каб-ми-муз-ра
до-доу-тер-муз-мед
до-му-но-ми, муз-ми-там-на-диди.
муз-доу в-мед э-му му-нар-

-ли,
 Чи-риги б-таь,
 Зи-е, гакж-дар-ли,
 ле-кин мех-ри ае-мен ка-дар - ли
 че-па-б-ким, сиз-ни топ-ма-д-им
 О-на-жо-ким
 сиз-ни топ-ма-д-им

Бу дунёда топдим мен дунё,
 Онажоним сизни топмадим.
 Не истасам топдиму, аммо,
 Мехрибоним, сизни топмадим.
 Нур булдим, кўп парвона топдим,
 Гавҳар топдим, дурдона топдим,
 Жонимга жон, жонона топдим,
 Жонажоним сизни топмадим.
 Ниҳолингиз эдим яшнаган,
 Бу кун сизсиз богим қақшаган,
 Э воҳ, мехрингизга ташнаман,
 Чин бозбоним, сизни топмадим.
 Тупроқ олсанг олтин булсин деб,
 Олқардингиз мудом гамим еб,
 Қабрингизга зор-зор термулиб,
 Хонимоним сизни топмадим.
 Сиздай булиб эзгу ҳунарли,
 Умрим утар Зиё, ганч – зарли,
 Лекин мехри осмон қдарли,
 Биёбоним, сизни топмадим.

ЁШЛИГИМ

Ҳ.Яҳёев шеъри, Т.Дадабоев мусиқаси

Moderato.
mf

Ёш-ли-гим еди - мае бо-зо - рами, бе-си ес дав-
рон мен-го,
Боқтиёр - лик дур зо-ро - рили, танги ўз бе-
шон мен-го,
Ёш-лигим ин - сон фардин танги ўз ай-
е - жсон, рўйраҳур-лик
иш-ти-е-рали, ин-ли-шим-дур жсон мен-го.

Дөдү-лар-ки, ушбу ай-ел, ба-ри бир, үст-
 гу - ки доб, Ешми-шмдир
 иу - гу бо - рил, то а-бад и - мон мон-го
 ба-гу-га нурш-
 дин гу-бог-сан, ба-гу-га тенг-сиз го-ел,
 ба-гу-га-бат,
 го-хи зор-лик ба-гу-га зите-рок монго
 Ешмиш гул
 ба-ли ар-са хо-на-хош тул-рог а-ро



Ёшлигим сўнмас баҳорим,
беқиёс даврон менга,
Бахтиёрликдир қарорим,
тенги йўқ осмон менга.

Ёшлигим инсон ҳаётин,
тенги йўқ айёмисан,
Бир умрлик ихтиёрим,
ёшлигимдир жон менга.

Баъзида жўшиқин булоқсан,
баъзида тенгсиз хаёл,
Гоҳ муҳаббат, гоҳи зорлик,
гоҳида ҳижрон менга.


Ёшлигим гул фасли эрса,
жонажон тунроқ аро, —
Шу ватандир гул диёрим,
сўнмагай бўстон менга.

МУБОРАК ЧАМАН

Ж. Муслим шеъри, Т. Дадабоев мусиқаси

Марш темпида


Ва - жан - дир биз -
лар - га му - бо - рак ча - ман,
ча - ман - ни ҷў - лай - ги қад - ми қў - ла - ган,
Биз - га ман - гу ша - раф а - зиз
ла - мон бу - Боз - ми - га де -
тир - ган ӯз бе - ки - тон бу!
Ю - рак - лар қў - ми - не уяқ -
бод бот ай - ланг Боз - лар - ки то -
- жи - ки бошга тож ай - ланг,



сел-сар-да нидеи ур-ван мн-мо-ат лан-у



Боз-ри-да фе-мир-ган уз-бе




мн-тон ду!




ой - - - -




Боз-сар-мн и - си-да тенъ ду!




ду тор-милл, у тенъ ду!-са




мн-мнъ ба-ланъ-дир наф-милл,




сел-сар-да вал - че-ган му-сар-фо му-у



уз-се тос-рай мн-рн уз-се



мн-тон ду! мн-тон ду! -



Ватандир бизларга муборак чаман,
Чаманини ўйлайди қадрин излаган.
Бизга мангу шараф азиз макон бу –
Бағрида ўстирган Ўзбекистон бу!

Юраклар қўрини бир умр бож айланг,
Тогларин тошини бошга тож айланг.
Дилларда жўш урсин шижоат мангу –
Бағрида ўстирган Ўзбекистон бу!

Тенгларни ичида тенг бўлди юртим,
У тенг бўлса менинг баланддир кифтим.
Юзларда балқиган мусаффо кулгу –
Кўкси тоғдек мангу Ўзбекистон бу!



АРЗИ ХОЛ

Г.Асқарова шеъри, Т.Дадабоев музыкаси

(p) Уртача тез шопилмай

Му-дан би-но бу-дан-дил,
 Му-дан би-но бу-дан-дил, Дал-дан би-но
 бу-дан-дил, Не-га сов-май-сан ил-ки?
 Хо-шим қа-ро
 э-мас-му Бат-риш э-ро э-мас-му
 Дал-мух а-ро э-мас-му Не-га сов-май-
 -сан ил-ки?
 ай
 Дал-дан би-но сов-ос-дил
 Бу-лар үх-лар қа-нам-да

Гулдан бино бўлгандим,
 Гилдан бино бўлгандим,
 Дилдан бино бўлгандим,
 Нега севмайсан мени?
 Қошим қарор эмасму,
 Бағрим яра эмасму,
 Дил ишиқ аро эмасми,
 Нега севмайсан мени?
 Ғамдан уй қилиб олдим,
 Дарддан куй қилиб олдим,
 Гулдан буй қилиб олдим,
 Нега севмайсан мени?
 Гулзорларнинг нақшиман,
 Бўғзи куйган бахшиман,
 Хурлардан ҳам яхшиман,
 Нега севмайсан мени?
 Гуллар ухлар қўйинингда,
 Тушингдан ҳам ўнгингда,
 Гуноҳ қолар бўйинингда,
 Нега севмайсан мени?

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

1. 1976 йил, май. Наманган вилоят радиоси “Мукаррам Қаюмова” куйлайди” номли 40 дақиқали суҳбатли концертни намойиш этди.
2. 1977 йил. Шоир Зоҳиджон Обидов шеърига басталанган “Боди саболар” кўшиғи Мукаррам Қаюмова ижросида Ўзбекистон Маъориф Вазирлигининг II-даражали диплом билан тақдирланди.
3. 1977 йил. “Боди саболар” кўшиғи Республика “Мархабо талантлар” телекурсутида хонанда Солижон Абдуллаев томонидан ижро этилиб, телерадио компаниясининг олтин фондида ўрин олди.
4. 1978 йил. Шоир Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб “Эй Нилуфар йиғлама” номли кўшиқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, мархума Турсуной Мамедова томонидан ижро этилиб, Ўзбекистон телерадио компанияси олтин фондида сақланмоқда.
5. 1996 йил. Бастакор Т.Дадабоев раҳбарлигидаги “Дуторчи кизлар” ансамбли Наманганда ўтказилган “Ўзбекистон Ватаним маним” кўшиқлар кўрик-танловида қатнашиб

хакамлар хайъати томонидан II-даражали диплом билан тақдирланди.

6. 1997 йил. “Дуторчи қизлар” ансамбли Наманган вилоят телевиденияси орқали ўз кўшиқларини намоён этди.

7. 1998 йил 12 июл. Наманган вилоят телевиденияси орқали “Куйла дилкаш дуторим” номли 40 дақиқалик адабий-муסיқали кўрсатув намойиш этилди.

8. 1996-2006 йиллар. Шоир Зоҳиджон Обидов, Гулжамол Асқаровалар қаламига мансуб “Боди саболар”, “Нега севмайсан мени” номли кўшиқлар Наманган вилоят марказида ўтказилган ўзбекистон мустиқиллиги байрам концертида бир неча бор янгради ва мухлислар олқишигасзовор бўлди.

9. 2007 йил. Бастакор ва созанда Толибжон Дадабоев ўзбек мумтоз мустиқаси ва куйлари жамланган “Танбур ва дутор наволари” деб номланган оҳанграбо компактли дискни мухлислар ҳукмига хавола этди ва мустиқа шинавандалари томонидан илиқ кутиб олинди.

МУНДАРИЖА

ЛАВҲАЛАР

Ўз сози ва мақоми бор	3
Созандалик сеҳри	9
Созандачилик ҳунари	14
Отамнинг ўғитлари	16
Олимлар суҳбати	17
Устоз отангдан улуг	18

ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

Маҳоратли созанда	31
Эл ардоғидаги санъаткор	31
Самимий инсон	35
Ибратли инсон	34
Ёшлар учун мактаб	36
Узоқ умр тилайман	39
Отадек меҳрибон устоз	44
Миннатдорман	45
Устозимга ўхшагим келади	47
Устоз эътирофи	47
Анъанага содиқ устоз	39
Соз чертилганда	36
Санъатга садоқат	40
Фахрланаман	42
Мазмунли сабоқлар	44
Созанда ва бастакор	48

ТОЛИБЖОН ДАДАБОВЕВ ЯРАТГАН ҚЎШИҚЛАР

Онажоним, сизни топмадим	49
Ёшпигим	53
Муборак чаман	56

Бадий-оммабон нашр

Носиржон ЮСУПОВ

НАВОЗАНДА

Ҳикоялар ва дил изҳорлари

Муҳаррир:	Жамолiddин Муслим
Тех.муҳаррир:	Саиджон Жўраев
Дизайнер:	Илхомжон Қахҳоров
Мусахҳих:	Таваккалхон Акбарова

Босишга рухсат этилди: 03.09. 2009 йил.
Бичими: 84x108¹/₁₆. Нашриёт босма табағи: 4,0
Шартли босма табағи: 4,0. Адади 300 нусха.
Буюртма № 65.

«ФАРФОНА» нашриёти.
150114. Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 28-уй.

«ЖАҲОННАШРИЁТ» ХК босмаҳонаси.
150114. Фарғона шаҳри, Герцен кўчаси, 2-уй.
Лиц. № 22-1568. 2007 йил 27 июль.



Носиржон ЮСУПОВ

1948 йилда Наманган туман, Гирвон қишлоғида туғилган. Наманган давлат педагогика институтида таҳсил олган. 1975 йилдан бери Наманган давлат университети педагогика-психология кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

«НамДУ олимлари», «Устоз педагог», «Бошланғич синфларда таълим-тарбия», «Бошланғич синфларда ашула ва мусиқа», «Шухий-инсонпарварлик куйчиси», «Тарбиявий иш методикаси» каби 20 дан ортиқ илмий-услубий китоблар, 150 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар, ҳикоя ва лавҳалар муаллифи.

Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи аълочиси.

978-9943-347-72-4



9 789943 347724